# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2023 йил 8 апрель, № 70 (8413) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ИСТИҚБОЛДА ЙИРИК ИННОВАЦИОН ҲУДУД ВА ЛОГИСТИКА ХАБИГА АЙЛАНАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудлар ривожи, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида 7 апрель куни Сирдарё вилоятига ташриф буюрди.**





Давлатимиз раҳбари дастлаб Гулистон шаҳрида халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида иштирок этиб, нутқ сўзлади.

Президент сўзининг аввалида вилоят аҳли юксак ватанпарварлик руҳи билан меҳнат қилиб, катта натижаларга эришаётганини таъкидлади.

Сўнгги олти йилда вилоятга 30 триллион сўм инвестиция жалб қилиниб, 6 минг 640 та янги корхона ишга туширилган. Бу орқали 55 мингта доимий иш ўрни яратилган, 17 мингта оила камбағалликдан чиқарилган.

Сирдарёда ҳам тадбиркорлар кўпайди. Илгари бўлмаган қурилиш материаллари, фармацевтика, чарм ва озиқ-овқат саноати каби янги тармоқлар пайдо бўлди. Хусусан, қурилиш материалларида 274 та лойиҳа амалга оширилиб, бу тармоқ янги драйверга айланди. Вилоят саноатида мазкур соҳанинг улуши 7 фоиздан ошди.

Вилоят полиз маҳсулотлари етиштириш ва экспорти бўйича ҳам республикада биринчи ўринда туради. Сирдарёда мамлакатимиз электр энергиясининг учдан бир қисми, чарм маҳсулотларининг 16 фоизи ва фармацевтика маҳсулотларининг 10 фоизи ишлаб чиқарилади.

Ўтган йили октябрда Президент ташрифидан сўнг Сирдарёни "ишсизликдан холи ҳудуд"га айлантириш бўйича дастур қабул қилинган эди. Дастурдаги тадбирлар учун вилоятга қўшимча 2 триллион сўм ажратилди.

Жумладан, 20 минг аҳоли имтиёзли кредит билан таъминланди, 5 минг ишсиз ёшга асбоб-ускуналар учун грантлар ажратилди. Шунингдек, 2 мингдан зиёд янги ҳунармандлар фаолияти йўлга қўйилди, 12 мингдан зиёд ёшлар касб-ҳунарга ўқитилди. Аҳоли деҳқончилиги учун қўшимча 5 минг гектар ер тарқатилиб, 10 минг аҳоли даромадли иш билан таъминланди.

Давлатимиз раҳбари эришилган натижалар энди тарих экани, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида имкониятлар ҳали кўплигини таъкидлади.

Жумладан, Сирдарёнинг ер, сув ва табиат ресурслари бой. Аҳоли жон бошига экин майдонлари бошқа ҳудудларга нисбатан 2-3 баравар кўп. Вилоятда қишлоқ хўжалигини сув билан таъминланганлик даражаси ҳам юқори. Бу соҳага илм ва инновация олиб кирилса, маҳсулот етиштириш ҳажми ва экспортини ошириш мумкин.

Сирдарё республикамиздаги энг катта истеъмол бозори — Тошкент шаҳрига яқин жойлашган. Шунингдек, у икки қўшни давлат — Қозоғистон ва Тожикистон билан қулай транспорт коридорига эга.

Давлатимиз раҳбари бу имкониятларни ишга солиб, Сирдарёни саноат, тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги, таълим ва тиббиёт бўйича "илғор инновациялар ҳудуди"га айлантириш зарурлигини таъкидлади.

Бу борада Хитой тажрибасига таяниш қўл келади. Чунки бу давлат мазкур соҳаларда катта ютуқларга эришган. Қолаверса, хитойлик инвесторларнинг ҳам вилоятга қизиқиши катта. Охирги олти йилда улар билан бирга, Ширин шаҳри, Мирзаобод ва Сирдарё туманларида 60 дан ортиқ йирик саноат корхоналари очилган. Вилоятга 2022 йилнинг ўзида 250 миллион доллардан зиёд Хитой инвестициялари жалб қилинган.

Йиғилишда Президентимиз Сирдарё аҳолиси фаровонлигини янада оширишга қаратилган 5 та янги ташаббусни эълон қилди.

Биринчидан, илғор инновациялар ҳудудида биофармацевтика, қурилиш материаллари, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат, электротехника, тиббиёт, таълим соҳаларининг 20 та йўналишидаги лойиҳаларига алоҳида имтиёзлар режими жорий қилинади. Унга кўра ер, мол-мулк, фойда ва айланма учун солиқлар ҳамда божхона божларидан 3 йилгача озод қилинади. Ер участкалари соддалашган тартибда ажратилади, ер ва биноларни сотиб олишда 5 йилгача бўлиб тўлашга рухсат берилади.

Шунингдек, Сирдарёда 500 миллион долларлик инвестиция ҳисобига Ўзбекистон — Хитой биотехнологиялар кластери барпо этилади. Унда Хитойнинг етакчи олийгоҳлари билан бирга Гулистонда халқаро таълим ва тадқиқот университети, инновацион тиббиёт клиникаси, Марказий Осиё геном маркази, онкологик касалликларни даволаш учун Ҳужайра терапияси маркази ташкил қилинади. Шунингдек, кластер томонидан замонавий диагностика қурилмалари, инновацион вакциналар, пробиотиклар ва онкологик касалликлар учун дори воситалари ишлаб чиқарилади.

Бунинг учун 200 гектар ер ажратилиб, 10 минг талаба учун ўқув бинолари, замонавий кампус, лабораториялар, муҳандислар мактаби ташкил этилади.

Иккинчидан, вилоятнинг 11 та туман ва шаҳри Хитой модели асосида саноатга ихтисослаштирилади, ҳар бирида инновацион технопарклар ташкил қилинади. Уларда электротехника, биофармацевтика, кимё, қурилиш материаллари, ипак ва озиқ-овқат саноатида инновацион лойиҳалар амалга оширилади. Технопаркларга эркин иқтисодий зона мақоми берилади ва "божхона ҳудудида қайта ишлаш" режимининг соддалашган тизими жорий қилинади. 2023 йилда технопарк инфратузилмасига 200 миллиард сўм ажратилади.

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун Сирдарёда Ўзбекистон — Хитой инвестиция жамғармаси ташкил этилади. Бу жамғарма Хитойнинг нуфузли Ипак йўли фонди ва бошқа молия ташкилотлари билан бирга йўлга қўйилади. Жамғармага 1 миллиард доллар сармоя олиб келинади.

Учинчидан, Сирдарёда энг илғор агротехнологиялар жорий этилади. Хитойдан вилоят ҳокимига қишлоқ хўжалиги бўйича маслаҳатчилар бириктирилади, ирригация ва мелиорация тизимлари модернизациясига инвесторлар жалб қилинади.

Шунингдек, Хитой тажрибаси ёрдамида Сайхунободда қорамол ва паррандачилик экокомплекслари, Мирзаободда интенсив анор, қовун, пекан ёнғоғи ва балиқчилик плантациялари ташкил қилинади. Ховосда ўсимликлардан табиий бўёқлар ишлаб чиқариш қуввати, мева-сабзавотни сақлаш, қайта ишлаш ва қадоқлаш технопарки ташкил этилади. Шўр ва сувсизликка чидамли экин турлари, чорвачилик наслларини яратиш бўйича Хитойнинг етакчи олийгоҳлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилади.

Тўртинчидан, Сирдарё мамлакатимизни Қозоғистон, Тожикистон, Хитой ва Афғонистон билан боғлайдиган йирик логистика хабига айлантирилади. Бунинг учун хитойлик инвесторлар билан ҳамкорликда республиканинг шарқий ва марказий қисмларини ҳамда чет эл йўналишларига боғлайдиган янги транспорт маршрутлари ва мультимодал логистика маркази қурилади.

Булардан ташқари, йўлларни қуриш, таъмирлаш ва бошқаришга хусусий секторни жалб қилиш ҳам Сирдарёдан бошланади.

Бешинчидан, тиббиётдаги ислоҳотлар натижаси ва соҳадаги имкониятларга таяниб, Гулистон шаҳри мамлакатимизнинг "инновацион медицина хаби"га айлантирилади.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Президент Шавкат Мирзиёев Сирдарё вилояти ҳокими лавозимига Акмалжон Маҳмудалиев номзодини тавсия этди.

А. Маҳмудалиев 1974 йилда туғилган. Кўп йиллар давлат идораларида ишлаб, катта тажриба орттирган. Фарғона вилоятининг Учкўприк тумани ҳокими, Навоий вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари лавозимларида фаолият юритган. У ўтган йил ноябрдан буён Сирдарё вилояти ҳокими вазифасини бажариб келмоқда.

Номзод лавозимга тасдиқланишдан аввал унинг режалари эшитилди. Акмалжон Маҳмудалиев вилоятда тадбиркорлик, саноат, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, аҳолига муносиб турмуш шароити яратиш бўйича режаларини маълум қилди.

Давлатимиз раҳбари бу таклифларни маъқуллаб, улар юзасидан мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

Умуман олганда, Сирдарёда ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга жорий йилги давлат дастурларида кўзда тутилган 685 миллиард сўмга қўшимча 380 миллиард сўм, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга яна 110 миллиард сўм ажратилиши белгиланди.

Саноат, аграр соҳа ва тадбиркорлик лойиҳаларига 1 миллиард доллар, инфратузилма барпо этишга 105 миллион доллар жалб қилиш бўйича топшириқ берилди.

Булардан ташқари, хорижий инвестициялар жалб қилиб, Сирдарё вилоятини инновацион ҳудудга айлантириш вазифаси қўйилди.

Тақдимотдан сўнг вилоят Кенгаши депутатлари номзоднинг режалари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Ташкилий масала овозга қўйилди. Унинг натижаларига кўра, Акмалжон Маҳмудалиев Сирдарё вилоятининг ҳокими этиб тасдиқланди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Гулистон шаҳридаги "Омон мед фарм" корхонасида бўлди.

Бу ерда, асосан, маҳаллий доривор ўсимлик ва хомашёлардан йилига 2 миллион 400 минг қадоқ фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Корхонада тайёрланаётган антибиотик, таблетка, ампулали ва инфузион дори воситалари шифохоналар ҳамда дорихоналарга етказиб берилмоқда. Шунингдек, маҳсулотларнинг бир қисмини қўшни мамлакатларга экспорт қилиш режалаштирилган.

Корхонада қарийб минг киши меҳнат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари корхонанинг иш жараёни, келгуси режалари билан танишди.

Ушбу масъулияти чекланган жамият тиббиёт кластери шаклида ривожланмоқда. Унинг ҳузурида поликлиника, мактаб ва университет қурилмоқда.

Президентимиз корхонада тайёрланаётган дори турларини кўпайтириш ва экспорт қилишга амалий кўмаклашиш бўйича топшириқлар берди.

Сирдарё вилоятида ишлаб чиқарилаётган фармацевтика маҳсулотлари ҳам намойиш этилди.

Бугун Сирдарё фармацевтика саноати ривожланаётган ҳудудлар рейтингида етакчилардан бири ҳисобланади. 2022 йилда вилоятдаги 21 та фармацевтика корхонаси томонидан 393,8 миллиард сўмлик 317 турдан ортиқ маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, 3,3 миллион долларлик экспорт амалга оширилган.

Шу ерда вилоятдаги 6 та янги корхонани ишга тушириш маросими бўлди. Улар — Сирдарё туманидаги "Ривер Мед фарма", "Евроазия газ бетон", "Модерн Марбел", "Пенг Шенг Чарм", Сайхунобод туманидаги "Тошкент сити голд блок" ҳамда Янгиер шаҳридаги "Интер Трейдинг-груп" масъулияти чекланган жамиятларидир. Уларнинг раҳбарлари видеоалоқа орқали мажмуалар салоҳияти ҳақида ахборот берди.

Қайд этилганидек, "Ривер Мед фарма" корхонасида йилига 42 миллион дона инфузион дори маҳсулотлари тайёрланиб, 250 киши иш билан таъминланади.

"Евроазия газ бетон" қурилиш соҳасига ихтисослаштирилган. У ерда Нидерландия технологияси асосида йилига 450 минг куб газобетон ишлаб чиқарилади, 100 та иш ўрни ташкил этилади.

"Модерн Марбел"да йилига 800 минг квадрат метр мармар кесимлари тайёрланади.

"Пенг Шенг Чарм" йилига 1500 квадрат метр табиий чарм ҳамда 468 тонна желатин ишлаб чиқариш қувватига эга. Уларнинг асосий қисми экспортга йўналтирилиши режалаштирилган.

"Тошкент сити голд блок" ва "Интер Трейдинг-груп" лойиҳалари 100 фоиз тўғридан-тўғри хорижий инвестиция эвазига амалга оширилган. Биринчисида йилига 300 минг метр куб газоблок ишлаб чиқарилса, иккинчи корхона 45 минг тонна ун тайёрлаш қувватига эга.

Умуман, мазкур корхоналарда 600 га яқин иш ўринлари яратилади, уларнинг фаолияти туфайли вилоят ишлаб чиқаришига 37 миллиард сўм, экспортига қарийб 30 миллион доллар қўшилади.

Президент Шавкат Мирзиёев рамзий тугмани босиб, янги корхоналарни ишга туширди.

Давлатимиз раҳбари шу ерда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатлашди.

Президент Шавкат Мирзиёев Гулистон шаҳрида Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактабини бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан юртимизнинг ҳар бир ҳудудида ёшларнинг ғururини кўтарадиган кўп ишлар қилинмоқда. Масалан, Тошкентда Абдулла Қодирий, Нукусда Ибройим Юсупов, Қаршида Абдулла Орипов номидаги каби 9 та ижод мактаби ташкил этилди.

Сирдарё вилоятида ҳам ёшларга ибрат бўладиган атоқли инсонлар кўп. Улардан бири Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиевадир. У нодир истеъдоди, бадиий теран ва фалсафий шеърлари, публицистик асарлари билан ўзбек адабиёти ривожига улкан ҳисса қўшган.

Шавкат Мирзиёев 2019 йилда Сирдарё вилоятига ташрифи чоғида марҳум шоира номини абадийлаштириш, истеъдодли ёшларга шароит яратиш мақсадида ижод мактаби ташкил этиш таклифини билдирган эди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори қабул қилиниб, ўша йили декабрда ушбу таълим маскани фойдаланишга топширилди.

Ташриф чоғида Президент мактабга кираверишдаги Ҳалима Худойбердиева ҳайкалига гул қўйди. Шоира ҳаёти ва ижодига бағишланган мўъжаз музейни кўздан кечирди. Ўқувчилар Ҳалима Худойбердиева шеърларидан намуналар ўқиб берди.

Ижод мактабида умумтаълим фанлари билан бирга, она тили ва адабиёт чуқур ўргатилади. Айни пайтда 7 — 11-синфларда 180 нафар иқтидорли йигит-қиз таълим олмоқда. Синфлар, компьютер хонаси, лаборатория, спорт зали ва ётоқхона замонавий жиҳозланган. Мактаб кутубхонасида 3 минг 500 дан зиёд бадиий адабиётлар жамланган.

Муаллим ва зиёлилар билан суҳбатда таълим сифати, соҳадаги ислоҳотлар ҳақида сўз борди.

— Биз биринчи кундан таълим сифатини яхшилашга, муаллимларнинг мақоми ва обрўсини кўтаришга ҳаракат қиляпмиз. Бу ҳақдаги меъёрларни Конституцияга ҳам муҳрлаяпмиз. Кўряпсизлар, замон мураккаб бўлиб кетяпти. Қачон биз бу рақобатга муносиб бўламиз? Билимли бўлсак. Шунинг учун таълим мазмунини ислоҳ қилиб, ёшларга шароит яратяпмиз. Замонлар ўтади, муҳит ўзгаради. Бугунги пойдевор натижасини халқимиз албатта кўради. Ёшларимиздан яна кўплаб бухорийлар, берунийлар, улуғбеклар чиқади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ижод мактабларини университетларга бириктириш, вилоятдаги мактаблар билан алоқасини кенгайтириш, истеъдодли ёшларнинг китобларини чоп этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Сирдарё вилоятига ташрифи якунланди.


**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Икром АВВАЛБОЕВ,**
**Шуҳрат СУЯРОВ,**
**ЎзА мухбирлари.**


Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## А.А.МАХМУДАЛИЕВНИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ **Акмалжон Азимжонович Махмудалиев** Сирдарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 7 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## МАЪМУРИЙ ИСЛОҲОТЛАР ДОИРАСИДА ЁШЛАР СИЁСАТИ ВА СПОРТ СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги **"Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"**ги ПФ–14-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

**Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги фаолиятининг устувор йўналишлари** 1-иловага мувофиқ;

**(Давоми 3-бетда).**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ОММАВИЙ ВА ПРОФЕССИОНАЛ ФУТБОЛНИ ҲАР ТОМОНЛАМА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда футболнинг оммавийлигини янада ошириш, истиқболли ва иқтидорли футболчиларни танлаш ҳамда профессионал даражада тайёрлашнинг янги тизимини йўлга қўйиш, тренер ва ҳакамларни халқаро талаблар асосида тайёрлаш ва маҳоратини юксалтириш, футбол инфратузилмасини яхшилаш ҳамда ўрнатилган стандартларга мослаштириш мақсадида:

**1.** Қуйидагилар футболни янада оммалаштириш ва ривожлантиришнинг **қўшимча йўналишлари** этиб белгилансин:

**(Давоми 2-бетда).**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттиз тўққизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

**7 апрель куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттиз тўққизинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.**

Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг "YouTube" тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди.

Ялпи мажлиснинг иккинчи иш куни сенаторлар томонидан дастлаб "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонун кўриб чиқилди.

3

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# ОММАВИЙ ВА ПРОФЕССИОНАЛ ФУТБОЛНИ ҲАР ТОМОНЛАМА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси (FIFA)нинг аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида **футболни янада оммалаштиришга қаратилган** махсус дастурлари асосида ҳар йили маҳалла ёшлари ўртасида, жумладан, мактабгача таълим ташкилотларида **“Оммавий футбол” (Grassroots)** фестиваль ва мусобақалари, умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида **“Мактабларда футбол”**, олий таълим муассасалари талабалари ўртасида **“Талабалар лигаси”** республика мусобақаларини ўтказиш;

**ёшларнинг футболга қизиқишини ошириш**, бу борадаги тарғибот ишларини янада кучайтириш, уларнинг футбол билан шуғулланиши учун **етарли шарт-шароитларни яратиш**;

**аёллар ўртасида** футболни ривожлантириш, бу борада узоқ йилларга мўлжалланган истиқболли режа ва дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

**жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг футбол билан шуғулланиши** учун зарур шарт-шароитларни яратиш ҳамда улар ўртасида мунтазам мусобақалар ташкил этиш;

терма жамоалар ва профессионал футбол клублари учун сифатли спорт захирасини яратиш, иқтидорли футболчиларни аниқлаш, танлаш ва **саралаш (селекция)нинг рақамлаштирилган тизимини** жорий қилиш;

футбол **инфратузилмасини** моддий-техник жиҳатдан янада яхшилаш ҳамда халқаро талабларга **мослаштириш**;

футбол бўйича малакали тренерлар, ҳакамлар ва мутахассисларни **тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш**, ўқув-услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш;

ҳудудларда футбол клублари, болалар ва ўсмирлар, оммавий футболни ривожлантириш мақсадида **чет эллик мутахассисларни жалб этиш ва халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш**;

оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда футболни тарғиб қилиш ҳамда бу жараёнда юқори даражали **ахборот ва мультимедиа маҳсулотларидан фойдаланиш**ни янада кенгайтириш.

**2.** Белгилаб қўйилсинки:

**а)** ҳар йили Ўзбекистон футбол ассоциацияси маблағлари ҳисобидан:

**март — июнь** ойларида маҳалла ёшлари ҳамда қизлари ўртасида **“Оммавий футбол”** дастури доирасида футбол фестиваллари;

**10 декабрь — Бутунжаҳон футбол куни** муносабати билан аҳоли ўртасида оммавий **“флешмоб”** тадбирлари;

**сентябрь — май** ойларида **умумий ўрта таълим мактабларида “Мактабларда футбол”** дастури доирасида футбол мусобақалари, маҳорат сабоқлари ва фестиваллари ўтказиб борилади;

**б)** ҳар йили **сентябрь — май** ойларида олий таълим муассасаларида Ўзбекистон талабалар спорти ассоциацияси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган **“Талабалар лигаси”** дастури доирасида **уч босқичли** республика футбол мусобақалари ўтказилади.

**3.** Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А.Азизов) Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А.Икрамов), Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Ҳ.Умарова) ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (И.Абдурахмонов) билан биргаликда **бир ой муддатда**:

**“Оммавий футбол”**, **“Мактабларда футбол”** ва **“Талабалар лигаси”** дастурлари доирасида футбол тадбирларини ўтказишнинг **ягона тартибини** тасдиқласин;

ушбу мусобақалар ва турнирларга **пухта тайёргарлик кўриш** ва **юқори савияда ўтказиш** бўйича чора-тадбирлар режасини қабул қилсин;

мазкур мусобақалар ва турнирларни ўтказиш жараёни маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ҳамда бошқа коммуникация манбаларида **кенг ёритилишини таъминласин**.

**4.** Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (И.Абдурахмонов) Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А.Азизов) билан биргаликда **икки ой муддатда**:

давлат олий таълим муассасаларида уларнинг моддий-техника базасидан келиб чиқиб, футбол бўйича доимий фаолият юритувчи **секциялар фаолиятини** йўлга қўйсин;

давлат олий таълим муассасаларидаги мавжуд спорт иншоотлари ва **футбол майдонларининг доимий фаолият** кўрсатишини таъминлаш чораларини кўрсин;

ҳар бир давлат олий таълим муассасасининг футбол ва футзал бўйича жамоаларини шакллантирсин ҳамда уларнинг **“Талабалар лигаси”** дастури доирасида ўтказиладиган республика мусобақаларида тўлиқ иштирок этишини таъминласин;

**олий таълим муассасалари рейтингини** аниқлашда мазкур банд талаблари инобатга олинишини назарда тутсин.

**5. Қуйидагилар**:

футбол бўйича ҳудудий ва миллий терма жамоалар ҳамда профессионал футбол клублари учун сифатли спорт захирасини яратиш мақсадида Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги тизимидаги **футбол маҳорат мактаблари** амалдаги молиялаштириш тартибини сақлаб қолган ҳолда **Ўзбекистон футбол ассоциацияси тасарруфига ўтказилсин** ва улар **футбол академиялари** сифатида **қайта ташкил этилсин**;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузуридаги **футбол мактаблари** (кейинги ўринларда — футбол мактаблари) ташкил қилинсин;

Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги тизимидаги айрим **спорт мактаблари** ва **ихтисослаштирилган спорт мактабларининг футбол майдонлари футбол мактаблари балансига ўтказилсин**;

мослаштирилган биноларда жойлаштирилган, паст самарали футбол мактабларини оптималлаштириш ҳисобига уларнинг мол-мулки, спорт анжомлари ва тренер кадрлари **футбол мактаблари моддий-техника** ва **ўқув базасини мустаҳкамлашга йўналтирилсин**.

**6.** Белгилансинки:

футбол мактаблари спорт йўналишидаги **мактабдан ташқари спорт-таълим муассасаси** ҳисобланади;

футбол мактаблари директорлари, директорларнинг спорт ишлари бўйича ўринбосарлари, тренерлари меҳнатига ҳақ тўлаш, шунингдек, уларнинг меҳнатини рағбатлантиришга **спорт мактаблари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш**да белгиланган шароитлар татбиқ этилади;

футбол мактаблари **тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш** Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги “Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 276-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади, шунингдек, уларни моддий рағбатлантиришда **спорт мактаблари** учун белгиланган моддий рағбатлантириш **шартлари қўлланилади**;

келгуси йилларда футбол мактаблари **профессионал футбол клубларига босқичма-босқич бириктирилади**.

**7.** Қуйидагилар:

**а) футбол мактабларининг асосий вазифалари этиб белгилансин**:

юқори иқтидорга эга бўлган ёш футболчиларни саралаб олиш (селекция) тизимини йўлга қўйиш, болалар ва ўсмирларни футбол билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш;

болалар ва ўсмирлар ўртасида уларнинг соғлиғини мустаҳкамлашга, ҳар томонлама жисмоний камол топишига ва соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантиришга йўналтирилган спорт ва тарбиявий ишлар олиб бориш;

болалар ва ўсмирларда футбол билан шуғулланиш қобилиятини эрта аниқлаш ва уларда футболга бўлган барқарор қизиқишни ривожлантириш;

футбол машғулотларини ўтказиш учун малакали тренерлар таркибини танлаш, ўқув-тарбия тизимини ташкил этишнинг энг янги усулларини қўллаган ҳолда спорт захираси ва юқори маҳоратли футболчилар тайёрлаш юзасидан ўқув-машқ жараёнини йўлга қўйиш;

барча ёш тоифалари бўйича футбол академиялари ва клубларига маҳоратли спортчиларни етказиб бериш;

тажриба алмашиш мақсадида турли футбол ташкилотлари билан ҳамкорликни ривожлантириш, футболчиларнинг спорт маҳоратини, шунингдек, тренерлар ва бошқа мутахассисларнинг касб малакасини ошириш;

**б) футбол мактабларини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин**:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлари маблағлари;

фаолият ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан ва мактабнинг уставидаги вазифаларга мувофиқ бўлган бошқа фаолият турларидан олинган даромадлар;

асосий машғулотлар ўтказилмайдиган вақтда бўш турган мол-мулкни ижарага беришдан тушган даромадлар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

**8.** Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А.Азизов):

**а)** уч ой муддатда:

футбол мактаблари ва футбол академияларининг уставини тасдиқлаш, шунингдек, уларни белгиланган тартибда **давлат рўйхатидан ўтказиш**;

футбол мактаблари ва футбол академияларини замонавий **педагогик технологияларни** эгаллаган малакали **тренерлар** ҳамда **педагог кадрлар** билан босқичма-босқич тўлдириш чораларини кўрсин;

**б)** Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси билан биргаликда футбол мактаблари ва футбол академияларида спортчиларни тайёрлаш сифати юзасидан **доимий назоратни амалга оширсин**;

**в)** Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда футбол мактаблари ва футбол академияларининг бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг **штат жадвалини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин**;

**г)** Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги билан биргаликда умумий ўрта таълим мактабларининг ўқувчиларини футбол мактаблари ва футбол академияларида **шуғулланиш учун жалб этиш чораларини** кўрсин.

**9.** Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А.Азизов) Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А.Икрамов) билан биргаликда **уч ой муддат**да Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузуридаги футбол академиялари ҳамда футбол мактабларининг бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларини **қўшимча моддий рағбатлантириш** чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳасини Ҳукуматга киритсин.

**10.** Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳамда Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг 2023 йил 1 июлдан бошлаб **қуйидагиларни назарда тутувчи таклифлари маъқуллансин**:

нодавлат футбол мактаблари ва футболни ривожлантириш соҳасида фаолият юритаётган бошқа нодавлат ташкилотлар (нодавлат футбол муассасалари) учун **Ўзбекистон футбол ассоциацияси аъзоси бўлиши талаби ўрнатилади**;

Ўзбекистон футбол ассоциацияси томонидан **нодавлат футбол муассасаларининг рейтинги юритилади** ҳамда рейтинг натижалари кенг жамоатчиликка эълон қилиб борилади.

**11.** Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А.Икрамов) ҳамда Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А.Азизов) **қуйидагиларни амалга оширсин**:

**Хорватия**, **Япония** ва бошқа давлатларнинг тажрибасини малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда ўзбек футболига татбиқ этиш. Бунда Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳамда ҳудудий болалар-ўсмирлар футбол академияларининг **“техник директор”** лавозимига хорижий давлатларнинг тажрибаси ва тизимини жорий қилиш бўйича **малакали мутахассисларни жалб қилиш**;

Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси (FIFA), Осиё футбол конфедерацияси талабларига мувофиқ футбол учрашувларида адолат ва шаффофликни таъминлаш мақсадида **VAR (Video Assistant Referee, видео ёрдамчи ҳакам) тизимидан фойдаланишни янада кенгайтириш**;

Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузуридаги **Футбол бўйича мутахассисларни тайёрлаш марказида** футбол бўйича **“футбол таҳлилчиси”, “футбол селекционери” (скаут), “футбол менежери”, “футбол маркетологи”, “футбол шифокори”, “футбол психологи”, “спорт фармакологи”, “спорт диетологи”** каби мутахассисларни тайёрлаш тизимини йўлга қўйсин.

**12.** Белгилаб қўйилсинки:

спорт мактаблари ва ихтисослаштирилган спорт мактабларининг футбол бўйича тренерларига босқичма-босқич **Осиё футбол конфедерациясининг тренерлар таълими бўйича талаблари** жорий этилади;

Ўзбекистон футбол ассоциацияси спорт мактаблари ва ихтисослаштирилган спорт мактабларининг футбол гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда иқтидорли футболчиларни селекция қилиш орқали уларни кейинги босқичдаги **футбол мактаблари ва академияларига йўналтириб бориш юзасидан доимий** мониторинг ўрнатсин.

**13. “Ўзметкомбинат” АЖ** (Р.Пирматов), **“Олмалиқ КМК” АЖ** (А.Хурсанов), **“Навоий КМК” АЖ** (Қ.Санақулов) ва **“Ўзбекнефтгаз” АЖ** (Б.Сидиқов)ларнинг футболни ривожлантиришга ҳомийлик **хайрия ёрдамини** кўрсатиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Вазирлар Маҳкамаси (А.Н.Арипов):

бир ой муддатда футбол бўйича Ўзбекистон Суперлигаси ва Пролигасининг профессионал футбол клубларини **ҳомий ташкилотларга бириктирсин**;

Ўзбекистон олимпия терма жамоасининг 2024 йил Париж шаҳри (Франция) ва 2028 йил Лос-Анджелес шаҳри (АҚШ)да бўлиб ўтадиган ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳузуридаги **“OLYMPIC Профессионал футбол клуби”**ни **қўшимча молиявий қўллаб-қувватлаш** бўйича зарур чора-тадбирларни белгилаб борсин.

Бунда, Ўзбекистон футбол ассоциацияси, унинг ҳудудий бўлинмалари, Ўзбекистон Профессионал футбол лигаси ва профессионал футбол клубларининг фаолиятини молиялаштиришга юридик шахслар томонидан йўналтириладиган **ҳомийлик ва хайрия ёрдами шаклидаги маблағлар суммаси фойда солиғи**ни ҳисоблашда солиқ солинадиган фойдадан чегириб ташланади.

**14.** Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А.Азизов) Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А.Икрамов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш.Кудбиев), Давлат активларини бошқариш агентлиги (А.Ортиқов) билан биргаликда **уч ой муддатда** Ўзбекистон Суперлигаси ва Пролигасининг профессионал футбол клубларига ҳомийлик ва хайрия кўрсатган, шунингдек, **оммавий савдоларга қўйилган футбол клубларини сотиб олган инвесторларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш** ҳамда **уларга қўшимча енгилликлар яратиш юзасидан** таклифларни киритсин.

**15. 2026 йил 1 апрелга** қадар Ўзбекистон футбол ассоциацияси, унинг ҳудудий бўлинмалари, Ўзбекистон Профессионал футбол лигаси, Ўзбекистон футбол ҳакамлари маркази, профессионал футбол клублари ва академиялари белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатга асосан футбол бўйича спорт объектларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун зарур бўлган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган спорт асбоб-ускуналари ва технологиялари, инвентарлари, трансляция қилиш билан боғлиқ барча асбоб-ускуналар ва техникалар, фармакология маҳсулотлари, спорт озуқалари, футбол (футзал) майдонлари учун сунъий ўтлар, шокпад, гранулалар, махсус елим ва махсус профессионал спорт кийимлари, махсус техника ва транспорт воситаларини олиб кирганлик учун **божхона божини тўлашдан озод қилинсин**.

**16.** Устав фондида **давлат улуши 50 фоиз** ва ундан ортиқ бўлган профессионал футбол клубларига спорт асбоб-ускуналари, инвентарлари, фармакология маҳсулотлари, спорт озуқалари, футбол (футзал) майдонлари учун сунъий ўтлар, шокпад, гранулалар, махсус елим, махсус профессионал спорт кийимларини, истисно тариқасида, тўғридан-тўғри шартнома асосида **харид қилишга рухсат берилсин**.

**17.** Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган **Ўзбекистон футболини қўллаб-қувватлаш жамғармаси** (кейинги ўринларда — Жамғарма) **ташкил этилсин**.

**18.** Қуйидагилар **Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг** манбалари этиб белгилансин:

Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар;

“Ўзметкомбинат” АЖ, “Олмалиқ КМК” АЖ, “Навоий КМК” АЖ ва “Ўзбекнефтгаз” АЖларнинг ҳомийлик маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг ҳомийлик хайриялари;

Жамғарманинг вақтинча бўш турган маблағларини тижорат банклари депозитларига жойлаштиришдан олинадиган даромадлар;

халқаро молия ташкилотлари ва хорижий давлатларнинг грантлари ва техник кўмаклашиш маблағлари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

**19.** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш.Кудбиев) 2023 йилдан бошлаб **ҳар йили** Жамғармани қўллаб-қувватлаш учун Давлат бюджетидан **25 миллиард** сўм йўналтирсин.

**20.** Белгилансинки, **Жамғарма маблағлари қуйидаги мақсадларга сарфланади**:

оммавий ва профессионал футболни ривожлантириш, замонавий асбоб-ускуна ва жиҳозлар харид қилиш;

футбол мутахассисларини илғор ўқитиш методикалари ва инновацияларга ўргатиш тизимини йўлга қўйиш харажатларини қоплаш, шу жумладан, хориждан жалб этилган мутахассисларни рағбатлантириш;

замонавий футбол технологияларини харид қилиш ва жорий этиш;

футбол бўйича маҳаллий мутахассисларнинг тажрибасини хорижий мамлакатларда ошириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш;

алоҳида намуна кўрсатган терма жамоаларни моддий рағбатлантириш, иқтидорли ёшларни футболга жалб этиш, янги футболчилар авлодининг ишончли захирасини шакллантириш;

Ўзбекистон футболчилари, тренерлар ва ҳакамлар таркибининг профессионал маҳоратини оширишда чет эл футбол клублари ва федерациялари билан халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;

юқори маҳоратли футболчилар ва спорт захирасини тайёрлашнинг самарали методларини ишлаб чиқиш бўйича илмий-методик тадқиқотлар ўтказишда кўмаклашиш.

**21.** Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А.Икрамов) Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш.Шерматов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш.Кудбиев), Адлия вазирлиги (А.Тошқулов), Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А.Азизов) билан биргаликда махсус ишчи гуруҳни ташкил қилган ҳолда **2023 йил якунига қадар** илғор хориж тажрибаси асосида футболни молиялаштириш тизимини кенгайтиришда **букмекерлик фаолиятини амалга ошириш** бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

**22.** Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А.Азизов) Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А.Икрамов) билан биргаликда **2023 йил якунига қадар**:

республика ҳудудларидаги барча турдаги давлат ва нодавлат таълим муассасалари, клубларида футбол билан шуғулланаётган, шунингдек, туман (шаҳар), вилоят ва республика спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасига киритилган мусобақаларда қатнашувчи футболчилар тўғрисидаги **ягона маълумотлар базасини шакллантирсин** ва унинг Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси (FIFA)нинг **FIFA CONNECT платформасига** интеграция қилинишини таъминласин;

жойларда футбол билан шуғулланаётган, шунингдек, мусобақаларда қатнашувчи барча футболчилар тўғрисидаги маълумотларни тўлиқ **рақамлаштирсин** ва **ягона маълумотлар базасини** яратсин.

Бунда ягона маълумотлар базасини яратиш, ишга тушириш ва кейинчалик техник қўллаб-қувватлаш **Жамғарма маблағлари** ҳисобидан амалга оширилади.

**23.** Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш.Шерматов) **уч ой муддат**да Ўзбекистон футбол ассоциацияси мурожаатига асосан футбол бўйича Суперлига, Пролига ва Ўзбекистон кубоги мусобақалари ўтказиладиган ўйингоҳларни Ўзбекистон футбол ҳакамлари маркази билан боғлайдиган **оптик толали алоқа линиялари** билан таъминласин.

**24.** Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А.Икрамов) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (И.Абдурахмонов), Ўзбекистон футбол ассоциацияси (А.Азизов), Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети билан биргаликда:

**а) 2023/2024 ўқув йилига қадар** халқаро тажриба асосида Ўзбекистонда футболчиларни тайёрлаш моделини ишлаб чиқсин;

**б)** 2023 йилдан бошлаб **ҳар йили**:

футбол соҳасидаги халқаро ташкилотларнинг олимлари, мутахассислари иштирокида семинар-тренинглар, шунингдек, илмий-амалий конференциялар ва анжуманлар ўтказиш чораларини кўрсин;

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг футбол йўналиши бўйича **талабалари битирув олди амалиётини ҳудудий футбол академиялари ва профессионал футбол клубларида** ташкил этсин;

Миллий ва хорижий профессионал футбол клублари мутахассисларини Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг футбол бўйича **дарс жараёнларига** жалб қилсин.

**25.** Қуйидагилар:

**Ўзбекистон футбол ассоциацияси тасарруфидаги спорт-таълим муассасалари ва иншоотларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашнинг манзилли рўйхати** 1-иловага мувофиқ;

**Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузуридаги футбол мактаблари рўйхати** 2-иловага мувофиқ;

**Профессионал футбол клублари ҳузуридаги фаолияти мақбуллаштирилаётган футбол мактаблари рўйхати** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**26.** Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ туманида жойлашган “Дўстлик” стадионида **Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси (FIFA) томонидан** 2022-2023 йилларда **4 та** замонавий футбол майдони қуриш учун **4,2 миллион АҚШ доллари** миқдоридаги **маблағлар ажратилганлиги** маълумот учун қабул қилинсин.

Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон футбол ассоциацияси ва Тошкент вилояти ҳокимлигининг 2023-2024 йилларда Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ туманида жойлашган **“Дўстлик” стадиони ҳудудида** футбол бўйича барча ёш тоифасидаги терма жамоалар шуғулланиши учун бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган **Терма жамоалар маркази**ни қуриш тўғрисидаги **таклифига розилик** берилсин.

Бунда Терма жамоалар марказида **280 ўринли** замонавий меҳмонхона, минифутбол учун ёпиқ спорт манежи, илмий-тадқиқот, тиббиёт ва реабилитация маркази, сузиш ҳавзаси, ошхона бинолари қурилиши, шунингдек, ушбу биноларда Республика болалар-ўсмирлар футбол академияси жойлаштирилиши инобатга олинсин.

**27.** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги (Б.Закиров) мазкур қарор асосида қурилиши ва таъмирланиши кўзда тутилган иншоотларнинг лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишда энг мақбул меъморий ҳамда техник ечимлар қўлланилишини, уларни инновацион технологияларга асосланган, энергия тежамкор ва тез барпо этиладиган енгил конструкция ва материаллардан қуриш, шинамлик ва экологик хавфсизлик талабларига мувофиқлик юзасидан лойиҳа-смета ҳужжатларини комплекс экспертизадан ўтказишни таъминласин ва қурилиш-монтаж ишларининг сифатли бажарилиши устидан **доимий давлат архитектура-қурилиш назоратини ўрнатсин**.

Белгилансинки, мазкур қарор асосида қурилиши ва таъмирланиши кўзда тутилган иншоотларнинг лойиҳа ҳужжатлари Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон футбол ассоциацияси билан **келишилади**.

**28.** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш.Кудбиев) 2023-2024 йилларда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан мазкур қарорнинг 1-иловаси билан тасдиқланган Ўзбекистон футбол ассоциацияси тасарруфидаги спорт-таълим муассасалари ва иншоотларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашнинг манзилли рўйхатига мувофиқ қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб бориш учун зарур **маблағлар ажратилишини назарда тутсин**.

**29.** Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б.Мусаев) Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон футбол ассоциациясининг талабномаларига кўра ўрнатилган тўловларни ундирмаган ҳолда Ўзбекистон Республикасига спорт турлари бўйича чет эллик тренер, спортчи ва бошқа мутахассисларни жалб этишга **рухсатномалар,** шунингдек, мазкур чет эл фуқароларига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига **тасдиқномалар** берилиши (узайтирилиши)ни белгиланган тартибда таъминласин.

**30.** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари **ҳудудий футбол ассоциацияларининг раҳбарлари** этиб белгилансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари:

ҳудудий футбол ассоциациялари, шунингдек, футбол мактаблари **инфратузилмаси ва моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш**, уларни замонавий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш чораларини кўрсин;

турли ёш тоифасидаги **ҳудудий терма жамоалар ўқув-машғулот марказларини** Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси (FIFA) талабларига мувофиқ барпо этиш учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларининг қўшимча маблағлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан маблағ ажратилишини таъминласин;

ҳар бир туман (шаҳар)да камида биттадан **эркаклар, аёллар футболи ва минифутбол** бўйича **футбол жамоалари ташкил этилиши** ва уларнинг мусобақаларда мунтазам иштирокини таъминласин.

**31.** Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.Кўчимов), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Хаджаев) Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон футбол ассоциацияси билан биргаликда мазкур қарорнинг **мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини ёритишга оид мақолалар, брифинглар, тематик телекўрсатувлар ташкил этсин**.

**32.** Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда **уч ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

**33.** Мазкур қарорнинг **ижросини самарали ташкил қилишга масъул** ва шахсий жавобгар этиб Ёшлар сиёсати ва спорт вазири **А.И.Икрамов** ҳамда Ўзбекистон футбол ассоциацияси раиси **А.А.Азизов** белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси О.Қ.Абдурахмонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 7 апрель

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# МАЪМУРИЙ ИСЛОҲОТЛАР ДОИРАСИДА ЁШЛАР СИЁСАТИ ВА СПОРТ СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги тизимидаги муассасаларни қайта ташкил қилиш дастури** 2-иловага мувофиқ;

**Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг ташкилий тузилмаси** 3-иловага мувофиқ;

**Ёшлар ишлари агентлигининг ташкилий тузилмаси** 4-иловага мувофиқ;

**Ёшлар сиёсати ва спорт соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштириш ва тизим фаолиятини трансформация қилиш бўйича "Йўл харитаси"** 5-иловага мувофиқ;

**Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳамда Ёшлар ишлари агентлигининг хусусий секторга ўтказиладиган функциялари рўйхати** 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ёшларни қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш мақсадида **қуйидаги чора-тадбирлар белгилансин**:

2023-2024 йиллар давомида "Ёшлар дафтари" тизими орқали ёшларга кўрсатиладиган **ижтимоий-иқтисодий хизмат турлари 1,5 баробар**гача оширилади;

ёшларга ижтимоий-иқтисодий хизматларни кўрсатишда уларнинг иқтидоридан унумли фойдаланишга қаратилган **ижтимоий шартномалар** амалиёти жорий этилади;

давлат органлари ва ташкилотларининг ёшларни қўллаб-қувватлаш тизими **"Ёшлар баланси" асосида** ёшларнинг **ижтимоий ҳолати**, **қизиқиши** ва **муаммоларининг** хусусиятидан келиб чиқиб йўлга қўйилади;

давлат органлари ва ташкилотларининг ёшларни қўллаб-қувватлаш тизимини йўлга қўйиш билан боғлиқ **зарур бўлган маълумотларни шакллантириш** мақсадида "Электрон ҳукумат" тизими Идоралараро интеграциялашув платформасининг тегишли **ахборот ресурслари базалари** Ёшлар ишлари агентлигининг **ахборот тизимларига интеграция қилинади**;

давлат органлари ва ташкилотларининг раҳбарлари **ҳар йили 1 феврал**га қадар ўз тизимларида ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида белгиланган вазифаларни амалга оширишга қаратилган йиллик **"Ёшлар дастури"**ни Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқлайди;

Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси **ҳар ярим йилда камида бир маротаба** давлат органлари ва ташкилотларининг ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолияти натижадорлиги ҳамда қабул қилинган **"Ёшлар дастури"** ижросини **танқидий муҳокама** қилиб боради.

3. **2024 йил 1 январ**дан бошлаб давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида ўтказиладиган **ёшлар фестиваллари, форумлар, лойиҳалар, танловлар** ва бошқа маданий-маърифий тадбирлар **Ёшларга оид тадбирларнинг йиллик календарь режаси** асосида амалга оширилиши йўлга қўйилсин. Бунда:

Ёшларга оид тадбирларнинг йиллик календарь режаси **ҳар йили декабрь ойи якунига қадар** давлат органлари ва ташкилотларининг таклифлари асосида шакллантирилади;

тадбирларни ташкил этиш ва **ўтказиш**, шунингдек, иштирокчи ёшларни **рағбатлантириш** Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги томонидан белгиланган **тартиб** асосида амалга оширилади;

Ёшларга оид тадбирларнинг йиллик календарь режаси доирасида ўтказиладиган тадбирлар тўғрисидаги маълумотлар **yoshlarportali.uz ягона электрон платформаси**га жойлаштириб борилади ва тадбирларда иштирок этадиган **ёшларни** платформа орқали **электрон рўйхатга олиш** йўлга қўйилади;

**2023 йил 1 декабрга қадар yoshlarportali.uz** ягона электрон платформасига давлат органлари ва ташкилотларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги маълумотлар базалари улар томонидан **интеграция қилинади**.

4. **2024 йил 1 январга қадар** спорт соҳасини рақамлаштириш бўйича **24 та** йўналишдаги ахборот тизимларини ўз ичига олган **"ERP Sport"** ягона электрон бошқарув тизими **ишга туширилсин** ҳамда **УзАСБО** дастуридаги маълумотлар билан интеграция қилиниши таъминлансин. Бунда:

Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларидан марказлашган тартибда маблағ олувчи **барча ташкилотлар** ушбу тизимга **тўлиқ уланади** ҳамда спорт соҳасидаги харажатлар тизимда шаффоф ва очиқ тарзда акс эттирилади;

жойларда Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги маблағлари ҳисобидан барпо этиладиган спорт объектлари ва иншоотларининг камида **30 фоизи** мазкур электрон тизим орқали **ушбу ҳудудда яшовчи аҳоли томонидан овоз бериш** йўли билан аниқланади.

5. **2023 йил 1 июл**дан бошлаб **спортчи идентификация карталари** учун тўловлар миқдори **уч баробарга камайтирилсин** ҳамда улардан фойдаланиш муддати **5 йил** этиб белгилансин.

Белгилансинки:

а) **2024 йил 1 март**дан бошлаб спорт турлари бўйича ўтказиладиган расмий мусобақалар, Ўзбекистон чемпионати ва кубогида иштирок этиши учун спортчиларнинг мансублиги ва уларнинг малакасини **идентификация карталари (ID-карта)** орқали аниқлаш тартиби жорий этилади;

б) **2024 йил 1 июл**дан бошлаб:

спортчилар ва уларга бириктирилган тренерлар ва бошқа мутахассисларнинг барча маълумотлари **"ERP Sport"** ягона электрон бошқарув тизимида юритилади. Бунда фақат ушбу тизим орқали олинган маълумотлар ҳаққоний ҳисобланади;

спортчилар тўғрисидаги маълумотларни тасдиқловчи (халқаро спорт федерация/ассоциациялари талаблари бўйича жорий этиладиган ҳужжатлар бундан мустасно) бошқа ҳар қандай спортчи паспортини жорий этиш **қатъиян тақиқланади**.

6. **Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинлари, олимпия ва паралимпия спорт турлари (ёш тоифалари) бўйича жаҳон чемпионатларида ғолиб ва совриндор бўлган спортчилар, шунингдек, уларни тайёрлаган тренерларни Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан рағбатлантириш миқдорлари** 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2024 йил 1 январ**дан бошлаб:

Давлат бюджети параметрларини тасдиқлаш бўйича ҳар йили қабул қилинадиган қонун ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида спорт соҳасини **ривожлантириш дастурлари учун назарда тутилган маблағлар** Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигига ажратилиб, вазирлик томонидан **мустақил тақсимланади**;

ёшлар сиёсати ва спорт соҳасида белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш ҳолати бўйича таҳлилий материаллар ва ташкилотларга Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигидан ажратилган **маблағлар миқдори** тўғрисидаги маълумотлар **ҳар чоракда** оммавий ахборот воситалари ва бошқа коммуникация манбалари орқали кенг жамоатчиликка эълон қилиб борилади.

8. Қуйидагилар ёшлар сиёсати ва спорт соҳасига ажратилаётган **Давлат бюджети маблағларидан самарали фойдаланиш** ва **ўзини ўзи молиялаштириш** тизимига босқичма-босқич ўтишнинг **асосий йўналишлари** этиб белгилансин:

тадбирларни молиялаштириш жараёнларини тўлиқ **рақамлаштириш**, ажратилаётган маблағлар манзиллилиги ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича **"хавфни таҳлил қилиш"**ни йўлга қўйиш ва **онлайн назорат** тизимини яратиш;

спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари **календарь режасини шакллантириш** ва спорт тадбирларини ўтказишнинг **илғор хориж тажрибаси**га асосланган замонавий механизмларини жорий этиш;

нуфузли халқаро мусобақаларда ғолиб ва совриндор бўлган спортчи ёшлар ҳамда уларнинг тренерларини **рағбатлантиришни тизимлаштириш**;

тизимдаги бино ва иншоотлар ҳамда спорт объектлари ва иншоотларида **энергия** ва **ресурсларни тежайдиган технологиялар**ни босқичма-босқич жорий этиш;

бюджетдан молиялаштириладиган спорт объектлари ва иншоотлари фаолиятини давлат-хусусий шериклик асосида йўлга қўйиш ва **хусусий сектор иштирокида** спортчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш.

9. Белгилансинки:

а) тегишинча **Спортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси** Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳамда унинг тизимидаги бюджет ташкилотлари ҳузурида, **Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси** Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари, шунингдек, Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ҳузурида маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланишнинг **амалдаги тартибини тўлиқ сақлаб қолган ҳолда** юридик шахс мақомига эга бўлмаган **бюджетдан ташқари жамғарма** сифатида фаолият юритади;

б) **2023 йил 1 июл**дан бошлаб ҳар йили Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларига Давлат бюджетидан спорт соҳасини ривожлантириш дастурлари харажатлари учун ажратилган маблағлар (сақлаш харажатлари учун ажратилган маблағлар бундан мустасно) тегишинча вазирлик ва ҳудудий бўлинмаларнинг бюджетдан ташқари **Спортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси** (кейинги ўринларда — Жамғарма)га ўтказиб борилади ҳамда харажатларни молиялаштириш Жамғарма орқали белгиланган тартибда тасдиқланган ва рўйхатдан ўтказилган **даромадлар** ва **харажатлар сметасига** мувофиқ амалга оширилади.

Бунда Жамғарма маблағларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг **қарори** билан белгиланади;

в) Жамғармага жисмоний шахслар томонидан ажратилган ҳомийлик ва хайрия маблағларининг **50 фоизигача бўлган қисми** мазкур шахсларни **нуфузли халқаро спорт тадбирларига юбориш** учун йўналтирилади;

г) ҳомийлик кўрсатган жисмоний шахслар орасидан хорижда ташкил қилинадиган халқаро спорт тадбирларига юбориладиганларни аниқлаб олиш учун **"ERP Sport"** ягона электрон бошқарув тизими орқали улар ўртасида **лотерея ўйинлари**ни ўтказиб бориш йўлга қўйилади;

д) давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ёшлар ва спорт соҳасига оид барча **ташқи беғараз кўмак лойиҳалари**ни амалга оширишда Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги **лойиҳа ҳамкори** сифатида жалб қилинади;

е) ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш ҳамда спорт соҳасига бевосита ёки билвосита таъсир қиладиган **норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари**, шунингдек, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан барпо этиладиган ёшларга оид инфратузилмалар, спорт объектлари ва иншоотларининг **лойиҳа ҳужжатлари** Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги билан **мажбурий равишда келишилади**.

10. Нуфузли халқаро спорт мусобақаларида ғолиб ва совриндор бўлган, шунингдек, иқтидорли спортчи ёшларни рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

а) **2023 йил 1 июл**дан бошлаб **"Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг стипендияси"** жорий этилсин. Бунда:

стипендия тўловлари учун маблағлар спортчи лавозими учун белгиланган иш ҳақи, терма жамоалар ва уларнинг захираси, спортчилар энергия сарфини қоплаш ва жисмоний ресурсларини тиклаш учун ажратиладиган мақсадли тўловларни мақбуллаштириш ҳисобидан ажратилади ва унинг миқдори **меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 3** (**уч**) **баравари** этиб белгиланади;

"Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг стипендияси" тайинланган спортчиларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги "Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–4742-сон қарорида белгиланган тартибда **ўзини ўзи банд қилиш** ҳуқуқи берилади;

б) **Олимпия ва Паралимпия ўйинларида ғолиб ва совриндор** бўлган спортчиларга Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Тиббиёт бош бошқармасига идоравий мансуб бўлган тиббиёт муассасаларида белгиланган тартибда **умрбод бепул тиббий хизматдан фойдаланиш** ҳуқуқи берилсин.

11. Мазкур қарорнинг **ижросини самарали ташкил қилишга масъул** ва шахсий жавобгар этиб Ёшлар сиёсати ва спорт вазири **А.И.Икрамов** ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги директори **А.З.Саъдуллаев** белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси О.Қ.Абдурахмонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 7 апрель

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттиз тўққизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

1

Таъкидланганидек, қонун билан банклар устав капитали миқдорини 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб 2025 йилнинг 1 январигача босқичма-босқич юз миллиард сўмдан беш юз миллиард сўмгача ошириб бориш тўғрисидаги талабларни назарда тутувчи ўзгартишлар киритилмоқда.

Мазкур меъёрнинг киритилиши банкларни капиталлаштириш даражаси ҳамда ресурс базасини ошириш, соҳага чет эл инвестицияларини жалб этиш учун қўшимча ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига қўшимча кредит бериш имкониятини яратади.

Шунингдек, қонунга кўра норезидентлар томонидан банкларнинг акцияларини олишга нисбатан чекловлар қисман бекор қилинмоқда. Халқаро бозорларда оммавий жойлаштирилган акцияларни сотиб олиш соддалаштирилмоқда.

Сенаторларнинг таъкидлашича, мазкур қонунга киритилаётган ўзгартишлар банкларнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш орқали иқтисодиётдаги тузилмавий ўзгаришлар жараёнларида иштирок этишини кенгайтиришга хизмат қилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра "Маъмурий жарималарни тўлашда аҳолига қўшимча қулайликлар яратилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг $332^1$-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида"ги қонун муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда суд ҳужжатларини ва бошқа органларнинг ҳужжатларини ижро этишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, бундан 3 йил аввал 15 кун ичида жарима миқдорининг 70 фоизини ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда, жариманинг қолган қисмини тўлашдан озод қилинишига оид соддалаштирилган тартибнинг амалга киритилиши ўзининг ижобий самарасини кўрсатди.

Бироқ ушбу соддалаштирилган тартибнинг суд томонидан қабул қилинадиган қарорларга нисбатан татбиқ этилмаслиги, шунингдек, амалда айрим маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун белгиланган жарима миқдорининг юқорилиги фуқароларга иқтисодий томондан қийинчиликлар туғдириб келаётган эди. Бу эса, ўз навбатида, маъмурий жарималарни ихтиёрий равишда тўлашда қийинчиликлар келтириб чиқараётган эди.

Ушбу қонун билан ҳуқуқбузар унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб 15 кун ичида жарима миқдорининг 50 фоизини, 30 кун ичида 70 фоизини ихтиёрий равишда тўласа, жариманинг қолган қисмини тўлашдан озод қилиниши белгиланмоқда.

Энг асосийси, мазкур тартиб эндиликда суд қарорларига асосан қўлланиладиган жарималарга нисбатан ҳам татбиқ қилинишининг кўзда тутилаётганлиги алоҳида қайд этилди.

Сенаторлар мазкур қонуннинг қабул қилиниши натижасида маъмурий жарималарни тўлашда аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш ҳамда уларнинг жарима юкини янада камайтириш орқали пул маблағларининг иқтисод қилинишига ва жарималарни ижро этиш тизимини янада соддалаштиришга эришилишини таъкидлаб ўтдилар.

Муҳокама якунида қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шу билан бирга, навбатдаги ялпи мажлисда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2022 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи барчанинг диққат марказида бўлди.

Мазкур масала юзасидан Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Феруза Эшматова ҳисобот берди.

Таъкидланишича, Омбудсман ва унинг минтақавий вакиллари томонидан ҳисобот даврида 10 та асосий йўналиш бўйича ишлар амалга оширилган.

Хусусан, мажлисда фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича қонунчиликни такомиллаштириш, қийноқларнинг олдини олиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш борасида олиб борилган ишлари эшитилди.

Шунингдек, Омбудсманнинг миллий комиссиялардаги фаолияти, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ошириш, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, фаолиятнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, айниқса, Омбудсманнинг Қорақалпоғистон Республикасида юз берган ҳолатлар ва воқеаларни ўрганиш бўйича комиссия фаолиятидаги иштироки кенг муҳокамаларга сабаб бўлди.

Шу билан бирга, Омбудсман фаолиятида айрим камчиликлар сақланиб қолганлиги сенаторлар томонидан қайд этилди.

Жумладан, 2022 йилнинг иккинчи ярим йиллигида Ягона онлайн платформа орқали келиб тушган мурожаатлар билан ишлаш бўйича Омбудсман фаолияти нисбатан паст баҳоланган.

Омбудсман томонидан тегишли давлат органлари ва ташкилотларига киритилган таъсир чораларининг самарадорлиги пасайган.

"Омбудсман мактаби" лойиҳаси доирасида республика бўйича тарғибот тадбирлари айрим вилоятларда ташкил этилмаган.

Омбудсман томонидан етарлича чоралар кўрилмаганлиги оқибатида 2022 йилда етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган 387 нафар бола оилаларга ва болалар муассасаларига жойлаштирилмаганлиги, уй-жой берилиши режалаштирилган 25 нафар бола эса уй-жой билан таъминланмаганлиги сенаторлар томонидан ҳақли равишда танқид қилинди.

Мажлисда Омбудсманга энг кўп мурожаат йўлланган ҳудудлардаги муаммоларни таҳлил қилган ҳолда такрорий мурожаатларни камайтириш, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш юзасидан қонунда белгиланган таъсир чораларидан кенг фойдаланиш зарурлиги қайд этилди.

Шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган "Омбудсман мактаби" лойиҳаси доирасида тарғибот тадбирларини янада кучайтириш, ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларда мониторинг тадбирлари натижадорлигига алоҳида эътибор қаратиш юзасидан таклифлар илгари сурилди.

Шу билан бирга, етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг оилаларга ва болалар муассасаларига тўлиқ жойлаштирилиши устидан назорат ўрнатиш, оилаларга берилган болаларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялаш мақсадида уларга яратилган шарт-шароитларни доимий равишда мониторинг қилиб бориш бўйича тегишли вазифалар белгиланди.

Мазкур масала юзасидан Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 2022 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ахбороти эшитилди.

Ҳисобот даврида вазирлик томонидан 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили"да амалга оширишга оид давлат дастури доирасида олий даражадаги 5 та хорижий ташриф ва 200 га яқин турли учрашувлар, онлайн мулоқотлар ташкил этилган.

Олиб борилган тизимли ишлар натижасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қатор ташаббуслари халқаро ташкилотлар доирасида муваффақиятли амалга оширилган. Жумладан, Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентларнинг ролига оид резолюцияларни БМТ Бош Ассамблеяси бир овоздан қабул қилди, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши эса "Ёшлар ва инсон ҳуқуқлари" резолюциясини тасдиқлади.

Олий даражадаги тадбирлар ва дипломатик муносабатлар доирасида савдо-иқтисодий, транспорт, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларга оид 365 та икки томонлама ва кўп томонлама ҳужжат имзоланган.

Вазирлик иқтисодий дипломатияни тарғиб қилиш, шу жумладан, экспортни кенгайтириш ва мамлакат ҳудудларига инвестицияларни жалб этиш масалаларига устувор аҳамият берди. Хусусан, 2022 йилда Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари кўмагида умумий қиймати 10 миллиард доллардан ортиқ маҳаллий маҳсулотлар жаҳоннинг 47 мамлакатига экспорт қилинган (2021 йилда 37 та мамлакат).

2022 йил давомида хориждаги фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига қаратилган 276 846 та консуллик операцияси амалга оширилган. Украинада ҳарбий ҳаракатлар бошланганидан буён республиканинг 6 030 нафар фуқароси махсус рейслар орқали Ўзбекистонга эвакуация қилинган.

Сенаторлар инвестицияларни жалб этиш, экспортни ривожлантириш ва ҳудудлараро ҳамкорлик ҳамда туризмни кенгайтиришга қаратилган устувор вазифаларга қарамай, бу соҳада ҳал қилинмаган айрим муаммолар сақланиб қолаётганини таъкидлади.

Хусусан, мамлакатимиз ҳудудларида илғор, ресурсларни тежовчи технологияларни жалб қилиш ва юқори қўшимча қийматга эга бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича қатор дипломатик ваколатхоналар етарли даражада фаолият кўрсатмаётгани таъкидланди.

Сенаторлар ҳудудлараро ҳамкорлик ва хорижий давлатларнинг Ўзбекистон шаҳарлари билан қардошлик алоқаларини ривожлантириш борасидаги ишлар самарадорлигини тубдан ошириш ва ишлар натижадорлигига эришиш зарурлигига эътибор қаратди.

Шунингдек, мамлакатимизнинг ташқи сиёсий ишлар бўйича идораси миллий туристик маҳсулотини оммалаштириш ва миллий ҳунармандчилик маҳсулотларини ташқи бозорларга экспорт қилиш борасидаги ишлар самарадорлигини таъминлаш мақсадида сезиларли чоралар кўриши зарурлиги қайд этилди.

Кенг ва очиқ муҳокама якунлари бўйича Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Сенатнинг ўттиз тўққизинчи ялпи мажлисида Музей ашёлари ва коллекцияларини сақлаш ҳамда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш чоралари юзасидан Маданий мерос агентлигига парламент сўрови юбориш масаласи ҳам муҳокама этилди.

Ушбу масала Сенатнинг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан олиб чиқилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда бугунги кунда фаолият олиб бораётган 48 та давлат музейи ва уларнинг 73 та филиалида қарийб 2,5 миллион музей ашёлари ва коллекциялари сақланмоқда.

Шунингдек, 6 та нодавлат музей фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, уларда жами 25 мингга яқин музей ашёлари ва коллекциялари мавжуд. Миллий музей фонди таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекциялари сони 1,3 миллионни ташкил этмоқда. Республикадаги музейларга 2021 йил давомида 2,4 миллион, 2022 йилда қарийб 3,5 миллионга яқин кишилар ташриф буюрган.

Сенат томонидан олиб борилган ўрганишлар ва таҳлиллар натижасида соҳада ютуқлар билан бир қаторда, ҳал қилиниши лозим бўлган айрим масалалар долзарблигича қолаётганлиги маълум бўлган.

Хусусан, музейлар соҳасини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда номувофиқликлар мавжудлиги аниқланган. Жумладан, давлат музейлари, музей қўриқхоналари ва уй-музейлари, моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари Маданий мерос агентлигига ўтказилган бўлсада, "Музейлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида агентликнинг бу борадаги ваколати белгиланмаган.

Шунингдек, музейлар фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тарқоқ ҳолда бўлиб, уларнинг сони 100 дан ортиқни ташкил этмоқда.

Ҳукуматнинг тегишли қарори билан Миллий музей фонди таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларини ҳисобга олиш ва сақлаш тартиби белгиланган бўлса-да, ушбу фондга киритилмаган 1,2 миллионга яқин музей ашёлари ва коллекцияларини ҳисобга олиш ҳамда сақлашнинг аниқ тартиблари мавжуд эмас.

Давлат каталогининг электрон шаклини яратиш борасида муайян ишлар олиб борилган, аммо Давлат каталогининг босма маълумотлари ҳали шакллантирилмаган.

Музейларга 2022 йил давомида ташриф буюрганларнинг 75 фоизи, асосан, 6 та музейга, 25 фоизи эса 43 та музей ва уларнинг филиаллари ҳиссасига тўғри келган. Мазкур ҳолат аксарият музейларда тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлигини англатади.

Муҳокама жараёнида сенаторлар томонидан музейларни аҳолига яқинлаштириш ҳамда имконияти чекланган юртдошларимиз учун ҳам тенг имкониятлар яратиш масаласига эътибор қаратилди.

Шунингдек, сенаторлар томонидан музейларни аҳолига яқинлаштириш мақсадида олис ва чекка ҳудудларга кўчма кўргазмалар ташкил этиш тизимини йўлга қўйиш таклифи илгари сурилди.

Муҳокама сўнгида Маданий мерос агентлигига қайд этилган муаммо ва камчиликлар юзасидан ёзма равишда асослантирилган тушунтириш бериш талаби қўйилган парламент сўровини юбориш қарори сенаторлар томонидан бир овоздан маъқулланди.

Бундан ташқари, ялпи мажлисда Оролбўйи минтақасида экологик барқарорликни таъминлаш ҳамда замонавий инновацион технологияларни кенг татбиқ этиш бўйича белгиланган вазифаларнинг ижро этилиши ҳолати муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги "Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида"ги махсус резолюциясини амалга ошириш чоралари тўғрисида"ги қарори ҳудуд тараққиётида муҳим ўрин тутади.

Мазкур ҳужжат билан 2021 — 2024 йилларда Оролбўйи минтақасига иқтисодиёт тармоқларида ресурстежовчи ва юқори самарага эга замонавий инновацион технологияларни кенг татбиқ қилиш, экологик барқарорликни таъминлаш, илмий тадқиқотлар ўтказиш ва илмий-инновацион ишланмаларни амалиётга жорий этиш, шунингдек, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида "Йўл харитаси" ҳамда устувор инновацион лойиҳалар рўйхати тасдиқланган.

"Йўл харитаси"нинг 7 та йўналишдаги 71 та тадбир учун турли манбалардан 312 миллиард сўм, 22,2 миллион доллар, 6 миллион еврога тенг маблағлар сарфланиши, шу билан бирга, қарорда 2021 — 2024 йилларда бажарилиши режалаштирилган 65 та устувор инновацион лойиҳа учун турли манбалардан 1,9 триллион сўмга тенг маблағ жалб қилиниши натижасида 4,5 мингта иш ўрни яратилиши белгиланган.

Ҳозирги кунда "Йўл харитаси"даги 7 та йўналиш бўйича 71 та тадбирнинг 52 таси бажарилган ва 90 миллиард сўм ўзлаштирилган. Қолган 19 та тадбирни амалга ошириш ишлари давом эттирилмоқда. Шунингдек, 16 та тадбир ижро муддатлари 2023 йил якунига қадар узайтирилган.

Жумладан, Оролбўйи халқаро инновация маркази томонидан Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлими билан ҳамкорликда илмий-тажриба участкаси ва экофизиологик тадқиқотлар лабораторияси фаолияти йўлга қўйилган. Нукус туманида "Ақлли қишлоқ" концепцияси асосида янги замонавий тураржойлар комплексини қуриш учун 19,3 гектар ер майдонини ажратиш ишлари олиб борилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси инновацион агрохизматлар марказини ташкил этиш ишлари якунланган. Гидрометеорология хизмати маркази томонидан атмосфера ҳавосининг ифлосланишини автоматик мониторинг қилишга ихтисослаштирилган 7 та ускунани ўрнатиш бошланган.

Сенаторлар амалга оширилган ишлар билан бир қаторда, айрим лойиҳалар ўз вақтида ишга туширилмаганини, шунингдек, сақланиб қолаётган бир қатор камчилик ва муаммолар, ўз навбатида, замонавий инновацион технологиялар ўз вақтида жорий этилмаслигига, самарадорлигининг пасайишига, долзарблигининг йўқолишига олиб келиши мумкинлигини таъкидлади.

Муҳокамалар якунида масъулларга қарорда белгиланган қурилиш ва тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш орқали янги иш ўринларини яратишга қаратилган лойиҳалар ижросини таъминлаш, масъул вазирлик ва идоралар томонидан лойиҳалар, тадбирлар молиялаштирилишини амалга ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш каби вазифалар юклатилди.

Мазкур масала юзасидан Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шунингдек, Сенатнинг ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий суд таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Сенат Сарварбек Азимжонович Рахмонов, Ибрагим Мирзарахимович Алимов ва Азамат Шодмонович Икромовни Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимидан озод этиш ҳақида қарор қабул қилди.

Бундан ташқари, сенаторлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қарорларини тасдиқлаш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Ялпи мажлисда сенаторлар томонидан жамият ҳаётининг барча соҳаси ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга ва мамлакатда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарадорлигини оширишга, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган 16 та масала, шу жумладан, 10 та қонун кўриб чиқилди.

Шуниниг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттиз тўққизинчи ялпи мажлиси якунланди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ахборот хизмати.**

Марказий сайлов комиссиясида

# РЕФЕРЕНДУМГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚАНДАЙ КЕТМОҚДА?

*Марказий сайлов комиссиясининг видеоконференцалоқа шаклидаги навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.*

Унда оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитация қилиш, Ўзбекистон Республикасининг референдумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан айрим округ комиссиялари раисларининг ахборотлари, Марказий сайлов комиссиясининг 2023 йил биринчи ярим йиллик иш режасининг биринчи чорак якунлари бўйича ижросига оид масалалар кўриб чиқилди.

Мажлисда МСКга қилинган мурожаатлардан келиб чиқиб, маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг 22 нафар, хорижий оммавий ахборот воситаларининг 15 нафар вакили аккредитациядан ўтказилди. Аккредитация қилинган маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимларининг умумий сони 383 нафарни ташкил этмоқда.

Кун тартибига мувофиқ, мажлис давомида референдум ўтказувчи 5-Навоий, 9-Сурхондарё, 10-Тошкент вилоятлари округ комиссиялари раисларининг референдумга тайёргарлик кўриш ва уни юқори ташкилий даражада ўтказиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида ахборотлари тингланди.

Мажлисда кун тартибига киритилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯ ИСЛОҲОТЛАР ИЗЧИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

*Шу йил 6-7 апрель кунлари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов бошчилигидаги бир гуруҳ депутатлар Самарқанд вилоятида қатор учрашув ва тадбирлар ўтказди.*

## Учрашув

Жорий йилнинг 30 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Конституциясини янги таҳрирда қабул қилиш бўйича референдум ўтказиш билан боғлиқ масалаларни парламент депутатлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари атрофлича муҳокама қилдилар, тажриба алмашдилар. Каттақўрғон шаҳри ва вилоят марказининг ўзида ўтказилган мазкур йиғилишларда 400 нафардан ортиқ депутатлар иштирок этди.

Депутатлар референдумни ўтказиш бўйича ташкилий ишлар даражаси ва сифатини юқори баҳоладилар. Бўлажак йирик сиёсий воқеа муносабати билан фуқароларнинг юқори иштиёқи, овоз беришда фаол қатнашишдан манфаатдорлиги қайд этилди.

Тадбирда сўзга чиққан депутатлар Конституциямизнинг янги таҳрири қабул қилинаётганига фуқаролар онгли муносабатда бўлаётганини, ҳар биримизнинг янада яхшироқ, хавфсизроқ, чуқур мазмун билан тўлдирилган ҳаётимизга дахлдор бўлаётган ҳақиқий демократия ва халқ бошқарувини барпо этиш йўлидаги умумбашарий кенг кўламли ютуқ сифатида қабул қилинаётганини таъкидладилар.

Сўнгги йилларда жамиятимиз томонидан гендер тенглигини таъминлаш, оила институтини ривожлантириш, ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида эришилган ютуқлар алоҳида қайд этилди. Депутатлар ҳаётдан аниқ мисоллар келтириб, Конституциянинг янгиланиши асослилиги, юқорида кўрсатилган соҳалардаги ислоҳотлар изчиллигини ва самарадорлигини таъминлаши ҳақида гапирдилар.

Касаба уюшмалари ҳаракатини ривожлантиришга қаратилган конституциявий нормаларнинг амалий аҳамияти алоҳида қайд этилди. Депутатлар қонун лойиҳаси айрим нормаларининг мазмун-моҳиятини очиб бериш мисолида тадбир иштирокчиларига янги таҳрирда қабул қилинаётган Бош қомусимизнинг меҳнаткашлар ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоялаш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатидаги истиқболларини атрофлича тушунтириб ўтди.

Депутатлар Самарқанд вилоятига икки кунлик ташрифи чоғида бир қатор муҳим ижтимоий объектлар, хусусан, Пахтачи туманидаги оилавий поликлиника ва Ёшлар маркази, шунингдек, Самарқанд туманидаги “Қўштамғали” маҳалла фуқаролар йиғини фаолияти билан атрофлича танишдилар. Ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ҳолатини жамоатчилик ва экспертлар билан ҳар томонлама муҳокама қилиш, қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш бўйича тушаётган таклифларни умумлаштиришга муваффақ бўлинди.

**«Халқ сўзи».**

Депутатлар — ҳудудларда

# УЗОҚ МУДДАТЛИ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРУВЧИ ҲУЖЖАТ

*Шу кунларда мамлакатимиз бўйлаб ўтказилаётган “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти билан таништиришга бағишланган тарғибот тадбирлари қизғин паллага кирди, десак, муболаға эмас.*

Айни жараёнларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳам фаол иштирок этяпти. Улар ҳудудларда бўлиб, жорий йилнинг 30 апрель куни мамлакатимизда бўлиб ўтадиган муҳим сиёсий тадбир — “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича референдум ҳамда янгиланаётган Бош қомусимиз, унга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақида батафсил маълумотлар беришаётир.

Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Актам Ҳаитов иштирокида пойтахтимиздаги “INNO” инновацион ўқув ва ишлаб чиқариш технопаркида янгиланаётган Конституция мазмун-моҳияти ҳамда аҳамиятига бағишланган тадбир ташкил этилди.

Спикер ўринбосари янги таҳрирдаги Конституцияга киритилаётган ўзгартишлар ҳақида тўхталар экан, таклиф этилаётган нормаларда инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг кафолатларини кучайтириш ва механизмларини мустаҳкамлаш мақсади мужассамлиги, унда аҳолининг барча қатлами манфаатлари акс эттирилгани, таклиф ва тавсиялари инобатга олинганини билдирди.

— Янгиланаётган Конституциямизнинг яратилишида ҳеч ким бефарқ бўлмади. У умумхалқ муҳокамасида билдирилган кўп сонли таклифларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган. У халқаро стандартларга, энг муҳими, Ўзбекистон халқининг хоҳиш-иродаси ва орзу-истакларига тўлиқ мос келади, — деди А. Ҳаитов. — Масалан, Бош қомусимизда оила, болалар ва ёшлар учун алоҳида боб ажратилмоқда. Давлат ва жамият болаларда ҳамда ёшларда миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқликни, мамлакатидан ҳамда халқининг бой маданий меросидан фахрланишни, ватанпарварлик ва Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантириш тўғрисида ғамхўрлик қилиши белгиланяпти.

Шунингдек, ёшларнинг таълим олиши, ижтимоий ва тиббий ҳимояси, уй-жойли бўлиши, бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш — давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида киритиляпти. Давлат шу орқали ўз зиммасига муҳим мажбуриятларни олмоқдаки, мазкур нормалар, нафақат ёшлар манфаати, балки бутун жамиятимиз ва мамлакатимизнинг келгуси тақдири учун муҳимдир.

Тадбирда сўзга чиққанлар Конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан бугунга қадар 220 мингдан ортиқ таклифлар келиб тушгани, уларнинг 60 фоиздан ортиғи бевосита ёшлар томонидан берилганини алоҳида қайд этдилар.

Йигит-қизлар ўртага ташлаган саволларга Спикер ўринбосари батафсил жавоб қайтарди.

## Ҳар ким мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш, турар ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқига эга

“Прописка” — бу шунчаки паспортдаги бир муҳргина эмас, инсоннинг бутун ҳаётига таъсир қилувчи тамға эди. У эркин ҳаракатланиш ҳуқуқини асоссиз чекловчи қонуности ҳужжатлари билан мустаҳкамланганди.

Охирги беш йилда Президентимизнинг сиёсий иродаси туфайли узоқ йиллар давомида фуқароларни қийнаган “прописка” билан боғлиқ муаммолар тўлиқ барҳам топди. Энди бу масалага охирги нуқта қўйилмоқда — инсонларнинг Ўзбекистоннинг исталган жойида яшаш, уй-жой сотиб олиш ҳуқуқи Конституцияда белгилаб қўйилмоқда.

Бухоро давлат университетида янгиланаётган Конституциямиз моҳиятига бағишланган тадбирда бу ҳақда маълум қилинди.

Унда халқ вакили Қодир Жўраев иштирок этиб, Бош қомусимизга киритилаётган янгиликлар ҳақида маълумот берди.

Таъкидланганидек, янги таҳрирдаги Конституциянинг 32-моддасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний асосларда турган ҳар ким мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш, турар ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқига эга, бундан қонунда назарда тутилган чекловлар мустасно, деб белгилаб қўйилмоқда.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида ҳар ким Ўзбекистондан ташқарига эркин чиқиш ҳуқуқига эга, бундан қонунда белгиланган чекловлар мустасно. Айни чоғда, Ўзбекистон Республикаси фуқароси мамлакатимизга тўсқинликсиз қайтиш ҳуқуқига эгалиги мустаҳкамлаб қўйилмоқда.

Тадбирда сўз олганлар Бош қомусимизда ижтимоий давлатга хос ёндашув таълим соҳаси бўйича ҳам кўпгина модда ва нормаларда ўз ифодасини топаётгани, таълим ва илм-фанга оид нормалар қарийб 2 баробар ошаётганлигини қайд этдилар.

Парламент қуйи палатаси депутати иштирокчилар томонидан берилган саволларга атрофлича жавоб қайтарди.

## Инсон ҳуқуқларига оид нормалар 3 баравардан ортиққа ошаётир

Ҳар бир давлат ўз фуқаролари билан муносабатга киришар экан, алоҳида ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади. Яъни давлат ҳам, фуқаро ҳам ўзига хос ҳуқуқларга ва мажбуриятларга эга.

Масалан, давлатнинг фуқаролар учун хавфсизлик, фаровонлик, тинчлик ва яхши ҳаёт кечириш учун шарт-шароитлар яратиб бериш каби мажбуриятлари бўлса, фуқаролар қонунларга бўйсуниш, бурч ва мажбуриятларни бажариш каби масъулиятни ўз зиммасига олади. Янги Конституцияда ушбу принциплар алоҳида белгиланяпти.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академиясида янгиланаётган Конституция мазмун-моҳиятига бағишлаб ўтказилган тадбирда шу ҳақда сўз юритилди.

Депутат Гулруҳ Агзамова Конституциямизнинг 20-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳамда давлат бир-бирига нисбатан ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқдир, деб белгилаб қўйилаётганини қайд этди.

Мазкур модданинг иккинчи қисмида фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас, деб таъкидланган.

— Янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасида Ўзбекистон — ҳуқуқий давлат, деб белгиланмоқда. Хусусан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсади, дея эълон қилинар экан, унда инсон ҳуқуқларига оид нормалар 3 баравардан ортиққа ошмоқда, — дейди депутат. — Жумладан, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қонунларимизнинг, давлат органлари фаолиятининг мазмунига айланиши қатъий талаб этилмоқда, бу эса мансабдор шахсларнинг фақат фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб фаолият кўрсатишига қаратилган.

Тадбирда сўз олган профессор-ўқитувчилар Конституциямизга ҳар қандай вазиятда дастлаб халқни айбдор деб ҳисоблашга оид эскича қарашларни парчалайдиган янги норма киритилаётгани, яъни эндиликда давлат билан юзага келган қонунчиликдаги зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига ҳал қилинишини таъкидладилар.

Иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси бўйича ўзларини қизиқтирган барча саволларга мутахассислардан батафсил жавоб олди.

**«Халқ сўзи».**

Амир Темур ворислари

# БУЮК АЖДОДЛАРГА МУНОСИБ АВЛОД

*Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари билан яшиллик ва гулларга бурканган, ҳақиқий баҳорнинг қўйнида гўзал сурату сийрати билан гўё гулзордаги гулдек очилиб турган Сурхондарё вилоятидамиз. Қадимий ва ҳамиша навқирон Термиз шаҳрининг кўрку тароватидан кишининг баҳридили очилади. Чор-атрофда чинакам кўклам нафаси кезиб юрибди. Янгиланган бинолар, йўллар, кўркам боғу хиёбонлар, одамлар қалби баҳор нашидасига тўла.*

Қўлига камон тутганча отини елдираётган, жанговар ҳолатдаги Алпомиш ҳайкали ўрнатилган муҳташам майдон. Бу ерда навбатдаги ҳарбий хизматга чақирилган Алпомиш издошларини, алпқомат ўғлонларимизни армияга кузатишимиз керак. Шу мақсадда майдонга минглаб одамлар йиғилган. Ҳарбий хизматга кетаётган йигитларнинг ота-оналари, жигарлари, дўстлари, соҳа мутасаддилари, ҳокимият вакиллари, кўпни кўрган, элнинг хизматини қилган оқсоқоллар, меҳнат фахрийлари, жамоатчилик фаоллари, нуронийлар — барчанинг юз-кўзида ажиб бир кўтаринкилик, фахр-ифтихор барқ уради. Барчинойдек қизлар қўлларига анвойи гуллар тутганча саф тортиб туришибди. Соҳир мусиқа таралади. Майдон катта бир сайилгоҳнинг, тўй-тантананинг, байрамнинг нафасини беради.

Одамнинг қалбини титратиб, отнинг дупуридек оҳанглари билан бахшининг овози, қўшиғи янграйди. Ардоқли оқин “Алпомиш” достонидан куйлайди. Хаёлимда Дашти қипчоқ чўлларидан шамол каби елиб келаётган Алпомишнинг Бойчибори туёқларидан чиққан зарбли товушлар, чағир тошларнинг ҳар томонга учаётгани, отнинг ёли ҳилпираб, думи силкиниб бораётган завқли манзара жонланади. Ва қулоғимда достоннинг Алпомиш ва алпомишсифат, ғолиб ва музаффар йигитлар таърифи келтирилган оташнафас мисралари жаранглайди.

***Қулон юрмас ерлардан***
***Қувиб ўтиб боради,***
***Булон ўтмас ерлардан***
***Бувиб ўтиб боради...***

Ниҳоят, ҳаяжонли дақиқалар бошланди. Округ қўмондони бошчилигида тантанали кузатиш маросими очиқ деб эълон қилинди. Жамоатчилик кенгаши аъзоларига сўз берилди. Аскарларнинг ота-оналари, Ватанимиз ҳимоячилари, юракларимизни қалқитадиган, руҳимизни тўлқинлантирадиган фикр-мулоҳазалар билдиришди. Жумладан, Темурбек исмли йигит эл-юртимизга садоқат билан хизмат қилишга бел боғлаганини, Қуролли Кучлар сафида жисмонан ва маънан чиниқиб, имкон қадар кўпроқ нарсалар ўрганиб, билим ва тажрибасини бойитиб, бутун умр мана шу эзгу йўлга ўзини бағишлаш, Ватан ҳимоячисидек улуғ касб этагидан тутиш ниятида эканини таъкидлади.

Шундан сўнг, халқимизнинг азалий одатига кўра, ёши улуғ инсонлардан бирига сўз берилди. Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси Сурхондарё бўлими раиси, сенатор Орзиқул Соатов ёшларга оқ йўл тилади.

Термиз шаҳри қарийб уч минг йиллик тарихга эга. Турфа маданиятлар туташган чорраҳада жойлашган кентда қадимдан ҳунармандчилик, шаҳарсозлик, илм-фан, санъат, маданият, дин, адабиёт, ҳарбий таълим ривожланган. Археологик қазишма ишлари давомида топилган ноёб ашёлар шундан далолат берадики, юртимизнинг жанубий сарҳади ва дарё бўйида жойлашган шаҳар минг йиллар давомида ҳарбий қўрғон бўлиб хизмат қилган. Тарихий манбаларда Термиз шаҳри соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг ҳам доимий эътиборида тургани қайд этилади. Буюк саркарда Ҳиндистонни фатҳ этгач қайтишда Термиз шаҳрида катта тантана қилгани, халққа зиёфат бериб, сайил уюштиргани ҳақида ҳам маълумотлар бор.

Асрлар давомида ҳарбий истеҳком вазифасини бажариб келган Термиз бугун ҳам ўзининг аҳамиятини йўқотгани йўқ. Мамлакатимизнинг энг жанубий минтақаси бўлгани учун бу ерда ҳозирги кунда ҳам ҳарбий қисмлар, ҳарбий лицей ташкил этилган. Албатта, шаҳарда юз минглаб юртдошларимиз — турфа касб-ҳунар соҳиблари ўз орзулари, мақсад-интилишлари билан тинч ҳаёт оғушида умргузаронлик қилмоқда.

Бугун бутун Ўзбекистонда барча соҳада юз бераётган янгиланишлар Сурхондарё вилоятида ҳам яққол бўй кўрсатиб турибди. Термиз давлат университетида ўтказилган учрашувда буни теран ҳис қилиш мумкин. Бундан ўн йиллар муқаддам олийгоҳда ўтказилган бир тадбирда қатнашиб, бу ерда талабалар учун етарли шарт-шароитлар яратилмагани, некбин кайфиятнинг йўқлигини кузатиб, таъбимиз тирриқ бўлиб қайтгандик. Бугунги манзара бутунлай бошқача. Университет биноси замонавий андозаларга мос таъмирланган. Энг сўнгги ахборот технологиялари, компьютерлар, таълим ресурслари билан жиҳозланган. Муҳими, бу ерда таҳсил олаётган ёшларнинг кўзлари ёниб турибди. Уларнинг сўзидаги ўктамлик, ҳаракатларидаги шаҳду шижоат, юриш-туришидаги юксак дид юртимизда инсон қадрини улуғлаш, халқни рози қилишга қаратилган ислоҳотлар меваси эканини юракдан ҳис этдик.

Соҳибқирон бобомиз биз учун буюк дарслиги, сабоғи бўлган “Темур тузуклари”да: *“Адолат ва инсоф билан Тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим”*, дейди. Қаранг, қандай улуғ гап! Қандай ҳаққоний йўл! Бугунги кунда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ушбу одил тузукка ҳамоҳанг, буюк бобомизнинг тутумларига монанд халқпарвар, умуминсоний сиёсат юритилаётгани боис мамлакатимизда мисли кўрилмаган ижобий ўзгаришлар, юксалишлар рўй беряпти, деган ёруғ фикрлар хаёлдан ўтади.

Жанубий оператив қўмондонлик тасарруфидаги ҳарбий қисмларнинг бирида ўтказилган учрашув жуда ўзгача руҳда ўтди. Ўзгачалиги шундаки, ушбу ҳарбий қисмда кўрганларим қалбимни шукроналик туйғуларига тўлдирди. Жамоатчилик кенгашининг узоқ йиллик аъзоларидан бири сифатида айта оламанки, бугун биз истаган, орзу қилган армияни тузишга эришдик. Бир вақтлар фақат ошхонада картошка тозалаб ёки пахта даласида вақт ўтказган тузилма бугун забардаст, сўнгги русумдаги қурол-яроғларга эга замонавий армияга айланди. Бу яна қайси жиҳатларда кўринади? Бу тартиб-интизомда, озодаликда, аскарларнинг билим-савиясида, ўзини тутишида, диди, кайфиятида намоён бўлиб турибди.

Бугун азамат йигитларимиз халқаро ҳарбий ўйинларда, мусобақаларда ғолиб бўлиб келишяпти. Ҳарбий хизматни ўтаётган йигитлар маънавият, китобхонлик бобида ҳам юртимиз ёшлари орасида илғорлардан ҳисобланади. Улар орасида спортнинг турли йўналишлари бўйича Осиё ва жаҳон чемпионлари бор. Уларнинг кўзларидаги шижоатни, оловни кўриб, ҳавасингиз келади.

Аскарлар билан суҳбатлашиб, уларнинг замон билан ҳамқадам яшаётгани, мамлакатимизда, жаҳонда юз бераётган воқеа-ҳодисалардан яхши хабардор экани, энг муҳими, уларнинг мазмун-моҳиятини теран тушуниб, таҳлил қила олишидан қувондик. Йигитларнинг мамлакатимиз ҳаётининг тубдан ўзгаришига замин яратадиган янгиланаётган Конституциямиз бўйича ўтказилиши режалаштирилаётган референдумда фаол қатнашишга аҳд қилишгани кўнглимизни янада кўтарди.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Бугун дунёни илм бошқармоқда. Қайси соҳани қараманг, унинг ривожида илм-фан бирламчи, асосий негиз, пойдевор. Ҳозирги замонда ким илмли бўлса, ким кўпроқ изланган, меҳнат қилган бўлса, унинг сўзи сўз, гапи гап. Дунёнинг турли минтақаларида рўй бераётган ҳарбий можароларда ҳам илми юксак бўлган томоннинг қўли баланд келмоқда. Чунки улар замонавий ҳарбий техникаларни, учувчисиз дронларни, “ақлли” ракеталарни ихтиро қилишмоқда. Юқори интеллектга асосланадиган ушбу технологиялар кўплаб жараёнларда ҳал этувчи аҳамиятга эга. Учрашувда ҳарбий хизматчилар айни шу масалада ҳам ўзларининг жўяли фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

2017 йили Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев бир йиғилишда ҳарбий таълимда кузатилган оқсашларни, хусусан, “Суворов” деб юритиб келинган ҳарбий мактабларда миллий руҳнинг йўқлиги, давр талабларидан ортда қолиш намоён бўлаётганини танқид қилганди. Албатта, бу аччиқ ҳақиқат эди. Буни кўпчилигимиз билсак-да, уни ўзгартиришга қурбимиз етмасди. Имконсиз, нажотсиз эдик.

Давлатимиз раҳбарининг ғояси ва ташаббуси билан ҳарбий таълим масканлари “Темурбеклар мактаби” деб аталди. Аҳамиятлиси, бу ўқув даргоҳларининг фақат номи ўзгармади, балки улардаги муҳит, шарт-шароитлар бутунлай янги мазмун, янги қиёфа касб этди.

Термиз шаҳридаги Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари тасарруфида ҳарбий-академик лицейда бўлганимизда ана шу фикрлар хаёлимдан ўтди. Бу ерда таҳсил олаётган азаматлар учун яратилган шароитларни кўриб, қувончдан тўлқинланиб кетдик. Ўқув аудиториялари, ўқувчиларнинг ётоқ жойи, овқатланадиган, дам олинадиган хоналар, кутубхона — барча-барчаси энг замонавий қулайликларга эга. Ёшларнинг таълим-тарбияси, китобхонлиги, ҳордиқ чиқариши, бўш вақтларини мазмунли ўтказиши, ҳатто истеъмол қилаётган озиқ-овқатларидаги калория қатъий назоратга олинган. Лицейдаги дарс жараёнлари, бугунги кун талабларига жавоб берувчи ўқув қўлланмалар, “Темур тузуклари” бўйича ўтилаётган курслар, бу ерга жалб этилган олимлар — буларнинг ҳаммаси Соҳибқирон бобомизнинг бугунги авлодларини тарбиялашда мутлақо янги давр бошланганидан далолат беради.

Шу ўринда, кўнгилдан “Суворов ким эди?” деган савол ўтади. Тўғри, у ҳам ўз даврида халқига хизмат қилган бир инсон бўлган. Лекин Амир Темурдек буюк салтанат тузган, ҳарбий санъатни юксак даражага кўтарган, адолат ва маърифат ҳомийси бўлган, бунёдкорлик, ободликка беқиёс ҳисса қўшган, ўзидан бебаҳо мерос қолдирган улуғ зот дунё тарихида жуда кам ўтган.

Ҳарбий академик лицейда сешанба — “Очиқ эшиклар куни” экан. Шу муносабат билан Денов туманидан келган 30 — 40 чоғли ўқувчилар таълим масканида ўтаётган тадбирларда, учрашув ва суҳбатларда қатнашаётган экан. Улар орасида Дилшодбек деган йигитча билан гаплашдим. У ҳеч иккиланмасдан айтди: “Биз ушбу ҳарбий таълим даргоҳини кўришга орзуманд эдик. Президентимиз бу ерга келиб-кетганидан хабаримиз бор эди. Кўриб, билдикки, бу маскан, ҳақиқатан ҳам, ёшлар интиладиган, орзу қиладиган таълим муассасасига айланибди. Мен ният қилдим — насиб этса, албатта, шу жойга ўқишга кираман”. Сўзга чечан, полвонсифат бу йигитчанинг гаплари унинг дунёқараши ҳам, Ватанга муҳаббати ҳам кўплаб тенгдошларига ҳавас қиларли даражада эканини кўрсатиб турарди. Унга чин дилдан омад тиладик.

Термиздаги ҳарбий-академик лицейдан чиқарканман, Фарғонада жойлашган Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги “Темурбеклар мактаби”га қилган сафаримиз ёдга тушди. У ерда олган таассуротларим хаёлда жонланди... Дарвоқе, мавриди келганда айтмасак бўлмас, Фарғонада ўқиб юрган кезларда “Суворов” деб номланган ушбу ўқув маскани биноси олдидан ўтишга юрагимиз безилларди. У ердан доим қандайдир бир рутубат, тушкун кайфият, салбий тўлқин таралиб тургандек туюларди. Ичкаридан ҳар хил бақириқ-чақириқлар, дўқ-пўписалар, русча буйруқлар эшитилиб турарди. Бу ерда ўқиётган қиёфаси хомуш, баъзан юзкўзи кўкарган болаларни кўрганимизда кўнглимиз янада орқага тортиб кетарди. Тўғрисини айтганда, тасаввуримизда ушбу мактаб худди жазо колониясига ўхшаш жой эди. Кимки фарзанди тарбиясини эплолмайдиган бўлса, фарзанди ёмон йўлларга кириб кетган бўлса, ушбу жойга бериб қутуларди. Шунинг учун уларнинг аксарияти боласидан хабар ҳам олмасди. Бу жойдан бола жамиятга бир бало бўлиб етишиб чиқарди.

Хуллас, орадан йиллар ўтиб, ушбу ҳарбий академик лицейга борганимда бутунлай бошқача, ёруғ бир манзарани кўрдим. Президентимиз ташрифидан сўнг бу маскандаги шарт-шароитлар мутлақо ўзгарган, нафақат биноларининг кўринишлари, балки ўқитувчиларнинг қарашлари ҳам, кўринишлари ҳам буткул янги мазмун ва шакл касб этган. Уларнинг бола тарбиясига ёндашувлари, дарс методикалари, услублари ўзгарган.

Давлатимиз раҳбари таълим даргоҳидаги муҳитни янгилаш ҳақида фикр билдирар экан, фақат Амир Темур бобомизнинг суратини осиб қўйиш билан иш битмаслигини таъкидлаган эди. Шу боис бу ерда мутахассисларни ишга жалб этиш тартиблари, ўқитувчиларга қўйилаётган талаблар қайта кўриб чиқилди. Дарс сифатини оширишга, ўқувчиларда халқимизнинг маънавий-маърифий қадриятлари, маданияти ва урф-одатларини чуқур ҳурмат қилиш, ҳалоллик, ватанпарварлик, садоқат, фидокорлик сингари хислатларни, миллий ғурур туйғуларини шакллантиришга урғу берилди.

Ёш авлодга халқимизнинг тарихи ва бой маданияти, буюк аждодларимизнинг, аввало, Амир Темурнинг бебаҳо меросини, жанг санъатини ўргатишга, уларда Ўзбекистон халқига содиқлик, қатъий ҳаётий қарашлар ва фаол фуқаролик позициясини юксалтиришга эътибор кучайтирилди.

Кутубхонада ҳам Ватан озодлиги ва фаровонлиги йўлида қаҳрамонлик кўрсатган аждодларимизнинг ҳаёти, фаолияти, улуғ саркардаларимизнинг жанг санъати, маҳорати ҳақидаги бадиий ҳамда илмий асарлар жамланди.

Умуман, бугун лицейда Амир Темурнинг баланд руҳи, шукуҳи, шижоати кезиб юргандек туюлади. Соҳибқирон бобомизнинг “Темур тузуклари”да фарзандлари ва набираларига йўл-йўриқ сифатида айтган *“Азму жазм билан иш тутдим. Бирор ишни бажаришни ўйласам, бутун зеҳним, вужудим билан берилдим, битирмагунимча ундан қўлимни тортмадим. Ҳар неки десам, унга ўзим амал қилдим”*, деган сўзларини “Темурбеклар мактаби”да таҳсил олаётган ҳар бир ёш, ҳақиқатан ҳам, ўзи учун шиор қилиб олганини ва ҳаётга татбиқ этганини кўрдик.

“Эл-юртимиз тақдири — менинг тақдирим, Ватанимнинг келажаги — менинг келажагим”, деган эзгу тамойил бу ерда камол топаётган ёшларнинг ҳаёт тузугига айланган. Бу жуда муҳим ютуқ. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **“Ўз фарзандларида юксак ватанпарварлик руҳини камол топтира олмаган давлат, қандай кудратли қуролга эга бўлмасин, мудофаа қобилиятини мустаҳкамлай олмайди”.**

Қарангки, ўтган ўқув йилида ҳарбий академик лицейни тамомлаган ўқувчиларнинг 98 фоизи олий ўқув юртларига қабул қилинибди. Уларнинг 95 фоизи давлат гранти асосида талабага айланибди. Ушбу натижанинг ўзи ҳам кўп нарсани англатади. Чунки бугун ҳарбий йўналишлардаги олий ўқув юртларига ўқишга кириш талабгорлар орасида рақобат йилдан-йилга ошиб, тобора мураккаблашиб боряпти. Бироқ мана шу қийин жараёнда ҳам фарғоналик йигитлар — “Темурбеклар мактаби” ўқувчилари ўз ўринларини топмоқда. Буларнинг барчаси янгича ёндашув, янгича қараш, янгича сиёсатнинг — тарихий ислоҳотларнинг меваларидир.

**Иқбол МИРЗААЛИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари, Ўзбекистон халқ шоири.**

Самарқанд давлат тиббиёт университети жамоаси 2-сон Хирургик касалликлари кафедраси профессори, тиббиёт фанлари доктори
**Худойберди КАРАБАЕВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 441. 18 300 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳиҳ — М. Беккулова.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.30 Топширилди — 00.10 1 2 3 4 5 6